

С.Б. ХАЙИТОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК
МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ



338
X18


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

С. Б. ХАЙИТОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХУСУСИЙ
ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

(Монография)



ТОШКЕНТ – 2023

УЎК: 332.012.322

КБК 65.291(5Ў)

X 18

X 18

С.Б. Хайитов. Ўзбекистонда давлат хусусий шериклик муносабатларини тартибга солиш масалалари. (Монография). –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2023, 160 бет.

ISBN 978-9910-735-88-2

Мазкур монография мамлакатимизнинг замонавий иқтисодий сиёсатини акс эттирувчи йўналиши бўлмиш давлат хусусий шериклик механизми ва уни тартибга солишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожланишида янги механизмнинг ўрни ва унинг қуввати таҳлиллари олиб борилган. Ушбу монографияда ДХШ механизми фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг иқтисодий оқибатлари таҳлили олиб борилган. Ўз навбатида ушбу ишда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат билан хусусий сектор муносабатларининг илмий-назарий жиҳатлари ўрганиб чиқилган ва унга кўра тақлифлар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида давлат хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг бугунги ҳолати таҳлили келтирилган ҳамда барқарор иқтисодий ўсишда давлат хусусий шериклик механизмларини татбиқ этиш ва такомиллаштириш масалалари ўрганилиб, уни ривожлантиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилган.

Илмий натижаларнинг ишончлилиги қўлланилаётган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, маълумотлар базаси расмий манбалардан олинганлиги, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланган.

УЎК: 332.012.322

КБК 65.291(5Ў)

Тақризчилар:

Э.Х.Ботиров – Тошкент молия институти “Иқтисодий хавфсизлик” кафедраси доценти, и.ф.н.

И.О.Якубов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси доценти. и.ф.н.

Мазкур монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2023 йил 4 июлдаги 11 -сонли мажлис қарори асосида нашр қилинди.

ISBN 978-9910-735-88-2

1841



© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2023.

КИРИШ

Жаҳонда глобал рақобат кескинлашуви шароитида барқарор ривожланишни таъминлашда бюджет чекловлари, давлат қарзлари мавжудлиги ва зарур маблағларнинг етишмаслиги, аксарият ҳолларда кам даромадли ёки ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма эҳтиёжларини молиялаштириш учун муқобил усулларни излашга интилиш кучайиб бормоқда. Бунда давлат хусусий шериклик модели муқобил молиялаштириш манбаи бўлиб, инфратузилмага киритилаётган инвестиция билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизми сифатида тобора оммалашиб бормоқда. «Жаҳон амалиётида давлат хусусий шериклиги (ДХШ) дастаклари ДХШ объектларининг кенг спектри бўйича ижтимоий инфратузилмани узоқ муддатли молиялаштириш ва бошқариш мақсадида хусусий компанияларни жалб этиш учун қўлланилмоқда»¹. Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда кўп ҳолларда ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш муҳим омил сифатида кўрсатилмоқда.

Жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат хусусий шериклик механизмини такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада давлат хусусий шериклик механизмини жорий этиш босқичлари ва соҳаларини аниқлаш, энергетика, сув таъминоти, транспорт, телекоммуникация, ахборот технологиялари ва бошқа тармоқларда давлат ва хусусий муассасаларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини ривожлантириш, ҳудудий инфратузилма объектлари фаолият самарадорлигини таъминлаш усул ва воситаларини жорий этиш, ДХШ доирасида ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, соҳанинг истиқболдаги фаолият миқёсларини баҳолаш ва прогноз қилиш сингари тадқиқот йўналишларини қайд этиш мумкин.

¹ Агазарян Н.В. Анализ мирового опыта применения механизма государственно-частного партнерства. // Государственно-частное партнерство, 2016. - Т. 3. - № 2. - С. 151-172. - doi: 10.18334/ppp.3.2.37071

Янги Ўзбекистонда жадал ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда давлат хусусий шерикликни янада ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида «Хусусий секторга ўтказиладиган айрим давлат функциялари сонини 3 баробарга ошириш, давлат хусусий шерикликни кенгайтириш ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ...давлат хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ доллариға тенг инвестиция жалб этиш» сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши минтақаларда маҳаллий ҳокимлик ва тадбиркорлар шериклигида кичик турдаги қайта ишлаш корхоналарини ўзаро тегишли ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш асосида ташкил этиш, давлат ва кичик бизнес ўртасидаги ҳамкорликнинг янги самарали шакли сифатида инвестиция ресурсларини жалб этишнинг гибрид механизми асосида лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш минтақавий фондини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий соҳа тармоқларида йирик ва кичик ҳажмли молиявий ДХШ лойиҳалари сонини кўпайтириш, давлат хусусий шериклик лойиҳаларига ички ва ташқи инвестицияларни молиялаштиришни такомиллаштириш сингари масалаларни илмий тадқиқ этиш заруратини кучайтиради.

Ушбу монографи натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 7 июндаги ПҚ-5138-сон «Давлат хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 20 октябрдаги ПҚ-3980-сон «Давлат

хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 509-сон «Давлат хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва уларни молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 13 декабрдаги 1009-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2021 йил 10 апрелдаги 199-сон «Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш борасида давлат хусусий шерикликни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон «Давлат хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ БИЛАН ХУСУСИЙ СЕКТОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Давлат билан хусусий шериклик муносабатларининг мазмун-моҳияти ва уни ривожлантириш тамойиллари

Давлат хусусий шериклиги кооператив келишувнинг бир кўриниши ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ давлат ва хусусий сектор вакиллариининг инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларида, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий дастурлардаги шериклик муносабатлари тушунилади. Давлат хусусий сектор шериклиги механизми инфратузилма ва хизматлар соҳасининг бошқа доирасида давлат ва хусусий ташкилотлар ўртасидаги бир қатор иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Бундай иқтисодий муносабатлар жараёнида фойдаланиладиган бошқа тушунчалар орасида хусусий сектор иштироки (Private Sector Participation) ва хусусийлаштириш (Privatization) каби тушунчалар ҳам мавжуд бўлса-да, ушбу тушунчалар орасида маълум бир фарқлар мавжуд. Хусусий сектор ва давлат ҳамкорлиги тижорат ташкилотларининг ишлаб чиқариш, маиший хизматлар ва ижтимоий инфратузилмани ташкил қилиш, бошқаришда ҳамда ижтимоий хизматларни таъминлашда иштирок этишларини ифодалайди.

Давлат-хусусий шериклик модели бугунги кунда давлат хизматларини кўрсатишда жамоат инфратузилмасини ташкил этиш учун давлат харидларининг янги воситаси сифатида энг янги ва мослашувчан шакл сифатида намоён бўлмоқда. Бу давлатнинг ижтимоий характердаги мажбуриятлари ва функцияларидан чекланишини таъминлайдиган паст интенсивликдаги хусусийлаштириш усули ҳисобланади. Шунинг учун ДХШ лойиҳалари хусусийлаштиришнинг турли шаклларига нисбатан ўзига хос

хусусиятларга эга бўлган хусусийлаштириш туридир. Бирок, дунё миқёсида турли хил хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича халқаро тажрибалар шуни исботлайдики, хусусийлаштиришни ҳар доим ҳам осон ва тез жараён сифатида қабул қилиш мумкин эмас, бу молиявий ҳолати паст даражада бўлган ҳукуматлар учун тез самара бериши мумкин, хусусий сектор учун эса узок давом этадиган жараён.

Давлат хусусий шериклиги – бу хусусий сектор вакиллари ресурсларини умумжамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган муносабат тушунчасидир. Яъни, давлат ўз ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор вакиллари билан манфаатлар бирлашади, ваколатлар тақсимланади ва ҳар икки тараф ҳуқуқлари шартнома асосида ҳимояланади. Шериклик икки томонлама, лекин манфаат уч томонлама юзага келади. Бу манфаатлар шуни билдирадики, давлат паст даражали харажат билан ижтимоий ҳаётни яхшилаш функциясини бажаради ва қўшимча даромад манбаига эга бўлади ҳамда хусусий шерик давлатнинг талаби, имтиёзлари ва мулкидан фойдаланган ҳолда, ўз капиталини риск остида янги йўналиш ташкил этади ва у ҳам ўз навбатида қўшимча даромад манбаини яратади. Жамият учун ижтимоий ҳаёт фаровонлиги ва инфратузилма яхшиланади, янги иш ўринлари табиий ҳолатда яратилади ва ишсизликнинг оз бўлсада қисми бартараф этилади. Аҳоли манфаатлари қисман ёки тўлиқ қондирилади. Ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан бу ДХШ муносабати барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун оптимал йўл ҳисобланади.

Давлат хусусий шериклик лойиҳалари – миллий иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни рағбатлантиради. Улар қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджетига тушаётган юкини камайтиради;
- ДХШ объектларига сарфланаётган давлат харажатларининг шаффофлиги юзага келади;

– янги инновацион технологияларнинг олиб кирилиши ва эксплуатация жараёни тезлашади;

– истеъмол товарлари ва хизматлари аниқ талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилади;

– ижтимоий ҳаёт тизимини барқарорлаштиришда маблағлар аниқ ва мақсадли йўналтирилади;

– банк ва бошқа молиявий тизимларнинг янги кўринишлари пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, давлат хусусий шериклик муносабатларида иқтисодий самарадорликни баҳолаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда самарадорлик қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича биринчи мартаба шартнома имзоланганда:

– ишлаб чиқариш инфратузилмалари қурилади;

– янги иш ўринлари ташкил этилади;

– товарлар ва хизматларнинг янги турлари ишлаб чиқарилади;

– ишчилар даромад манбаларини ошириш имконига эга бўладилар;

– хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

2. Давлат хусусий шериклик объекти доимий фаолият юритса:

– ишлаб чиқариш ҳажми ортади ва инфратузилма объектлари кенгаяди;

– янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортади;

– жорий корхоналарда янгидан-янги иш ўринлари яратилади;

– корхонада даромад ҳажми ошади;

– харажатлар сарфи ҳажми оптималлашади;

– маҳсулотлар экспорти кўпаяди.

Давлат ва хусусий шериклик муносабатлари ижтимоий мажбуриятларга ва амалга оширилиши зарур бўлган ислохотларни амалга

оширувчи иқтисодий механизмдир. Шу билан бирга, давлат инвестиция сиёсатига риоя қилишда ҳукуматнинг ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрни ва ролини ифодалайдиган иқтисодий муносабатлар тизимидир. Иқтисодий нуқтаи назардан ДХШнинг мақсади-тегишли давлат бюджетлари ҳисобидан тақдим этилиши керак бўлган хизматлар ва истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга хусусий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ҳисобланади. Алалоқибат мамлакат иқтисодий ривожланиши тезланишини таъминлаш билан яқунланади.

Давлат хусусий шериклик механизми такомиллашуви иқтисодий ривожланишга, янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш, иш ўринларини яратишга кучли таъсир қилади. Шу ўринда, Ўзбекистонда кунлик меҳнат марказларини ДХШ асосида ташкил этиш масаласи кўндаланг қўйилган. Ушбу марказлар вазифаси қисқа рақамли тезкор алоқа хизматини (call марказни) ташкил этиш, тезкор алоқа хизмати орқали жисмоний ва юридик шахслардан фуқароларни вақтинча ишларга ёллаш бўйича буюртмалар олиш, бир кун давомида камида 25 нафар ишсиз фуқароларни айниқса хотин-қизларни вақтинчалик ишларга жалб қилиш, ишчиларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш учун камида 2 дона транспорт воситасига эга бўлиш, вақтинча ишларда ишловчи фуқаролар учун камида 20 ўринли пуллик хизмат кўрсатувчи ётоқхона куриш, вақтинчалик ишловчи фуқаролар учун камида 100 кишилик арзонлаштирилган нархларда хизмат кўрсатувчи ошхона ташкил этиш, фуқароларга меҳнат куруллари, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийимларни ижарага беришни йўлга қўйиш каби вазифалар юклатилади².

Бундан ташқари мамлакат иқтисодий ривожланишида ишсизликдан ташқари кўплаб омиллар бор. Булар ички ва ташқи омиллар жамланмасидир. Давлат хусусий шериклик лойиҳалари – миллий

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги “Вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқароларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 410-сон Қарори.

иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни рағбатлантиради. Масалан:

- давлат бюджетига тушаётган юкини камайтиради;
- давлат хусусий шериклик объектларига сарфланаётган давлат харажатларининг шаффофлиги юзага келади;
- инновацион технологияларнинг кириб келиши ва эксплуатация жараёни тезлашади;
- истеъмол хизматлари ва товарлари аниқ ҳамда талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилади;
- банк ва бошқа молиявий тизимларни янада шаклланишига сабаб бўлади.

Юқорида кўрсатилган омиллар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барқарорлашувига ўз таъсирини кўрсатади ва иқтисодиётда янги тармоқ ва соҳаларни юзага келишига асос бўлади. Бу эса ўз навбатида ишсизлик, аҳоли даромадлари ошиши, ижтимоий таъминланганлик, солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши, коммунал хизматлари исрофгарчилиги ва шу каби бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларга автоматик равишда ечим бўла олади.

Иқтисодий ривожланишнинг хусусий шароитида давлат ва бизнес сектори аъзоларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун катта қизиқиш уйғонган. Бир томондан, ижтимоий ҳаёт даражаси юқори бўлмаган шароитда давлатнинг доимий ўсиб боровчи ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мажбуриятини бажара олиши қийин кечмоқда. Иккинчи томондан, бизнес соҳаси вакиллари учун янги йўналишдаги бизнесга инвестиция қўйиш талаби уйғонди. Шу ўринда ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини жамиятнинг институционал тизимида қолдириш ва жамият маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни янада кенгайтирган ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Давлат мулкларидан тўла ҳажмда самарали фойдаланиш имкониятига эга эмас, шу сабабдан ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тўлиқ функциясини шакллантириш учун хусусий сектор

вакиллари бу ишда ҳамкорликка чақириш талаби пайдо бўлган. Давлат объектларини лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида хусусий секторга бермаслик оқибатида аҳоли ижтимоий ҳаёти ривожланиши секинлик билан давом этади, бу эса давлат бошқа муҳим стратегик лойиҳаларни қўллашида тўсқинлик қилади. Бошқа томондан эса, фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган давлат ерлари ва мулклари пассив капитал сифатида иқтисодийнинг сурункали «кемирувчиси»га айланиб қолмаслиги зарур. Ўз навбатида, барқарор иқтисодий ўсиш тенденцияси шаклланишига катта тўсиқ бўлади. Давлат томонидан қараганда ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган ДХШ лойиҳаларида давлат мулк эгаси сифатида қолиши муҳимдир. Сабаби, давлат ўз халқи ҳаётини хусусий сектор вакиллари тўлиқ бериб қўймаслиги, давлат бош шерик мақомида қолиши ва хусусий сектор вакилларининг қонунчилик доирасидан чиқиб кетмаслигини назорат қилиш кабилардир. Давлатнинг асосий манфаати аҳоли ижтимоий ҳаёти, йирик инфратузилма лойиҳаларининг ташкил этилиши ва керак бўлса, иқтисодий фойда кўришдир.

Бошқарув нуқтаи назаридан эса, давлат хусусий шериклик муносабатларида давлат мулкидан фойдаланишга бўлган ташаббус хусусий сектор томонидан бўлиши керак. Давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзига хос ихтисослашган ташкилий муносабатлар юзага келади. Хусусий сектор вакиллари эса, кўрсатилган хизмат ёки яратилган маҳсулотларни истеъмолга чиқариш натижасида даромад кўради.

Давлат ва хусусий сектор вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги макроиқтисодий аҳамиятга эга ислохотларни амалга оширишда хусусий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Давлат тасарруфида бўлган умумий фойдаланиш объектлари, яъни транспорт, алоқа, коммунал хизматлар соҳаси, ижтимоий инфратузилма объектлари, маданий мерос ҳисобланган

объектларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва шу каби жараёнларда ДХШ муносабатларини ўрнатишга эҳтиёж туғилади.

Шу ўринда, давлат бундай лойиҳалардан воз кеча олмайди, мулк ва назорат эгаси бўлиб қолаверади. Давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлиги лойиҳаларини ишлаб чиқиш, режалаштириш, молиялаштириш, куриш, фойдаланиш ва даромад олиш мақсад қилинган, узоқ муддатга мўлжалланган хўжалик муносабати ўрнатилган.

Давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги механизми инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда иқтисодий унсур ҳисобланади. Биринчидан, давлат ва хусусий бизнес шериклиги бюджетларни бирлаштириб, молиялаштиришнинг муқобил шаклини намоён қилади. Иккинчидан, давлат билан хусусий сектор ўртасидаги ресурс ва салоҳият бирлашади. Учинчидан, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги турли соҳаларда янги тажрибаларни ўргатади.

Давлат хусусий шерикликнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:³

- давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги;
- давлат хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;
- хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;
- камситишга йўл қўймаслик;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

Ўз навбатида тажрибалар натижасида давлат ва хусусий шерик ўртасида бир неча йўналишларни ўз ичига олувчи тамойиллар шаклланади⁴:

- томонларнинг тенг манфаатларга эга бўлиши. Унинг мазмуни давлат хусусий шериклик шартномасини имзолаш ҳуқуқи барча хусусий компанияларга берилиши билан изоҳланади.

^{3,7} Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. Сенат томонидан 2019 йил 3 майда маъқулланган. 4-модда.


Шунингдек, бунда ҳамкорлар улар олдида турган мақсадга эришиш шакл ва усуллари танлашда эркин ҳаракат қилиш имкониятидан фойдаланишади;

– шартномаларнинг барқарор ва кўп функциявийлиги. Давлат ва хусусий шерик ўртасидаги имзоланган шартнома қатъий, лекин унга тегишли ўзгартиришларни киритиш имконияти мавжуд бўлиши керак. Чунки одатда бундай шартномалар узоқ муддатга имзоланади ва бу даврда белгиланган шартларга тузатишлар киритишга олиб келувчи ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин;

– лойиҳанинг ижроси назоратида ҳар икки тарафнинг манфаатлари тенглиги. Шартнома шартларини бажаришга нисбатан масъулият муҳим омиллардан бири бўлиб, хусусий компания (шерик) мазкур ҳамкорлик лойиҳасидаги ишларни тўхтатишга ҳақли эмас. Чунки бу ҳолат лойиҳа амалиётининг истеъмолчиси — кенг жамоатчилик манфаатларига зиён келтириши мумкин. Бундай ҳолларда хусусий компания муаммони давлат билан тегишли мулоқотларни олиб бориш орқали ҳал этиши лозим;

– хусусий шерик танлашда рақобат тамойиллари. Давлат билан хусусий шериклик шартномасини имзолаш учун ўтказиладиган танлов чоғида рақобат тамойили намоён бўлади.

Бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Шуларни эътиборга олганда давлат дастурларида хусусий шерик иштирокини кенгайтириш зарур. Умуман олганда тизим сифатида давлат хусусий шериклик (ДХШ) ўз ривожланишида муайян босқичлардан ўтган. Ушбу босқичлардан ҳар бирини тавсифловчи қатор шартлар мавжуд. Улар ДХШ лойиҳалари сонининг ошишида ўз аксини топган (1.1-расм).



1.1-расм. Давлат хусусий шериклик механизмининг ривожланиш босқичлари⁵.

Давлат хусусий шериклик (ДХШ)нинг асосий мазмун-моҳияти унинг концепциясида ўз аксини топиши керак. ДХШнинг ягона концепциясини ишлаб чиқиш ва ушбу тушунчани ифодалаш энг мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда ДХШнинг келтирилган устунликларидан ташқари, механизми ҳам шерикларнинг ҳар бири учун бир қатор камчиликларга эга. Шерикларнинг камчиликлари орасида давлат учун қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Иқтисодиётни рағбатлантириш сиёсатини шакллантириш мумкинлиги. ДХШ лойиҳаларнинг узоқ муддатли хусусияти туфайли давлат мамлакат ва минтақаларни мазкур лойиҳаларнинг назарда тутилаётган натижаларига мувофиқ ривожлантириш стратегияларини тузиш имкониятини қўлга киритади.

2. Умумий таваккалчилик ва жавобгарликнинг шериклар ўртасида тақсимланиши. Бир томондан, таваккалчиликнинг давлат

⁵ Муаллиф ишланмаси.

ва хусусий бизнес ўртасида тақсимланиши назарда тутилади. Бошқа томондан, йирик функцияли лойиҳаларни амалга ошириш Учун бир эмас, балки бир неча хусусий шериклар жалб этилади ва улар барча ишлар учун жамоавий жавобгарликка эга бўлиши ёки ишларнинг муайян тури: объектларни лойиҳалаштириш, қурилган объектлардан фойдаланиш ва уларни бошқариш учун қисман жавобгарликка эга бўлиши мумкин.

3. Давлат капитал инвестицияларининг, яъни бюджет харажат қисмининг қисқариши. Давлат ўз маблағларини бошқа устувор соҳаларга йўналтириш имкониятини қўлга киритади.

4. Давлат мулкани бошқаришнинг хусусий шерикка ортиқча активларни сафарбар этишга эришиш, мумкин бўлган фондлардан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имконини берувчи замонавий усулларни қўлланилиши.

5. Бизнес жараёнларининг бир-бирига мослаштирилиши ва мақбуллаштирилиши туфайли инфратузилмавий объектни куриш даврининг қисқариши.

6. Самарадорликнинг ошиши: давлат хусусий секторининг дастлабки капитал харажатлари ошишини, ДХШ объектдан фойдаланиш ва уни бошқаришда харажатларнинг пасайишини рағбатлантириш имкониятига эга.

7. Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши (Пуллик хизматлар кўрсатиш оператор компанияларни хизматлар сифатини оширишга ундайди).

8. Янги иш ўринларининг барпо этилиши ва мамлакатда ишсизлик даражасининг пасайиши.

Хусусий бизнес учун устунликлари:

1. Бундай лойиҳаларга киритилган инвестициялар рентабеллигининг юқори даражасига ва томонлар учун улар лойиҳа мустақил равишда амалга оширилган тақдирда эришиши мумкин бўлгандагига қараганда уларнинг биргаликдаги иштирокида кўпроқ фойда олиш имконини берувчи синергетик самарага асосланган

методологик асоси. «Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 9 октябрь. 2018. 184-187 б.

53. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Оила» ИАТМга йўллаган хати. 21.05.2019 й. 25-9/420

54. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Устави. Янги таҳрирда, 2018 й.

55. <https://stat.uz/uz/>;

56. <https://blogs.worldbank.org/>;

57. <https://www.spglobal.com/>;

58. <https://www.imf.org/en/>;

59. S&P халқаро агентлигирасмий сайти маълумотлари.

60. URL: <http://www.oecd.org/gov/budgeting/PPP-Recommendation>.
(датаобра-щения 25.10.2019).

61. <https://blogs.worldbank.org/ppps/how-will-coronavirus-affect-public-private-partnerships>.

62. <http://www.elsevier.com/locate/techsoc>.

63. [http://www.eib.europa.eu / attachments](http://www.eib.europa.eu/attachments)(дата обращения 25.10.2019).

64. www.elsevier.com/locate/ecoleco.

65. <http://uza.uz/oz/society/Uzbekiston-tibbiyotdagi-nefrologiya-va-gemodializ>

66. <https://www.legislation.gov.uk/ukxi/2015/102/contents/made>

67. <http://ppi.worldbank.org/resources/ppiglossary.aspx?M=M#subtypes>

s

68. <http://www.press-service.uz/uz/lists/category>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ БИЛАН ХУСУСИЙ СЕКТОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ.....	6
1.1. Давлат билан хусусий шериклик муносабатларининг мазмун-моҳияти ва уни ривожлантириш таъминлари.....	6
1.2. Давлат хусусий шерикчиликнинг институционал ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш.....	20
1.3 Давлат хусусий шерикчилигини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ва шакллари таҳлили.....	33
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	54
2.1. Давлат хусусий шерикчиликнинг инфратузилма объектлари лойиҳаларини молиявий-иқтисодий таҳлили	55
2.2. Давлат билан хусусий шериклик лойиҳаларининг таркиби ва уларни ижтимоий-иқтисодий баҳолаш.....	76
2.3. Давлат хусусий шериклик самарадорлиги ва уни Ўзбекистонда жорий этиш имкониятлари	90
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	104
3.1. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларида давлат хусусий шерикликни ривожлантириш йўналишлари.....	104
3.2. Давлат хусусий шерикчилик лойиҳаларига инвестициялар киритишни молиялаштириш воситаларини такомиллаштириш	123
3.3. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада давлат хусусий шериклик лойиҳалари концепцияларини асослаш ва жорий этиш	135
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	149
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	153